

Ҳузайфанинг ажойиб жавоби



07:30 / 09.04.2019 3685

Саййидимиз Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Бир куни Ҳузайфа ибн Ямонни учратиб қолиб, «Тонгни қандай қарши олдингиз, эй Ҳузайфа?» дедим. Ҳузайфа: «Фитнани яхши кўриб, ҳақни ёқтирмай, таҳоратсиз намоз ўқиб, Аллоҳда йўқ нарса менда бор ҳолимда қарши олдим», деди. Унинг бу гапларидан жуда қаттиқ жаҳлим чиқди. Бир оздан кейин олдимга Али розияллоху анҳу кириб қолиб, «Эй мўминларнинг амири, тинчликми, юзингизда ғазаб аломатини кўряпман?» деди. Мен Ҳузайфанинг гапини айтиб бердим. Али розияллоху анҳу шундай деди: «Ҳузайфа тўғри айтибди. Фитна деб мол-дунёни, бола-чақани айтган, чунки уларни яхши кўрамыз. Аллоҳ таоло эса Қуръони каримнинг Тағобун сурасида **«Мол-мулкларингиз ва болаларингиз фитнадир»**, деган. Ҳақ деб ўлимни айтган, чунки ўлимни ёмон кўрамыз. Таҳоратсиз намоз деб салавотни айтган, чунки намоз дуодир («намоз ўқиш» ҳам, «салавот

айтиш» ҳам араб тилида бир хил – «солат» дейилади). Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эса ҳар доим, таҳоратсиз ҳам саловот айтиш мумкин. Аллоҳда йўқ бўлган, аммо унда бор нарса – хотин ва бола-чақадир. Дарҳақиқат, Аллоҳда бу нарсалар йўқ».

Умар розияллоҳу анҳу: «Жуда тўғри айтдингиз, Абулҳасан. Ҳузайфа ибн Ямонга нисбатан қалбимдаги ғазабни кетказдингиз», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан